



**IMPROVEMENT OF CIVIL LEGAL RELATIONS
REGARDING LANDS OF POPULATED AREAS (CASE
STUDY OF BUKHARA REGION)**

O.J. Kholmuminov

Independent researcher at the Academy of the Ministry of Internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD)
in Legal Sciences, Associate Professor.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17441313>

ARTICLE INFO

Received: 18th October 2025

Accepted: 24th October 2025

Online: 25th October 2025

KEYWORDS

Lands of populated areas, composition of lands in populated areas, civil legal relations concerning lands of populated areas, property rights on lands of populated areas, benefits related to lands of populated areas in Bukhara region, proposals and recommendations on civil legal guarantees for lands of populated areas in Bukhara region.

ABSTRACT

This article describes and substantiates, based on scientific analysis, issues such as the digitalization of civil legal relations concerning lands of populated areas and the application of artificial intelligence as one of the urgent tasks in our country. It also discusses the large-scale reforms implemented in recent years regarding legal guarantees, particularly the improvement of legal relations and legislative mechanisms related to land in the context of constitutional and legal reforms.

**АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЕРЛАРИГА ОИД ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МУНОСАБАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШУВДА (БУХОРО ВИЛОЯТИ
МИСОЛИДА)**

О.Ж. Холмуминов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчи, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17441313>

ARTICLE INFO

Received: 18th October 2025

Accepted: 24th October 2025

Online: 25th October 2025

KEYWORDS

Аҳоли пунктларининг ерлари, аҳоли пунктларининг ерларини таркиби, аҳоли пунктларининг ерларига

ABSTRACT

Мазкур мақолада мамлакатимизда аҳоли пунктларининг ерларига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар рақамлаштирилиши ва сунъий интеллектни қўллаш долзарб вазифалардан бири сифатида сўнги йилларда ҳуқуқий кафолатлари борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, хусусан конституциявий-ҳуқуқий ислохотлар ривожини йўлида ерга доир ҳуқуқий



оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, аҳоли пунктларининг ерларида мулкӣ ҳуқуқлар, Бухоро вилоятида аҳоли пунктларининг ерлари бўйича имтиёзлар, Бухоро вилоятида аҳоли пунктларининг ерларини фуқаролик-ҳуқуқий кафолати юзасидан тақлиф-тавсиялар.

муносабатлар, қонунчилик механизмларини такомиллаштирилиши каби масалалар баён этилган ва илмий таҳлилларга кўра асослантилган.

КИРИШ

Мамлакатимизда аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатлар масалалари, уларнинг таҳлили ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Бу жараён, ер ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳамда шаффофлигини таъминлаш, коррупцияга оид хавфни кескин йўқ қилиш, ерга эгаллик ҳуқуқини онлайн ва офлайн расмийлаштириш тизимини соддалаштириш ҳамда ер солиғини оптималлаштиришда кўмаклашиш амалиёти яратилди. Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигидаги саккизта тоифасига нисбатан бундай ислохотлар амалга оширилаётганлиги, аммо, айнан улар орасида аҳоли пунктларининг ерлари муҳимлиги ва илмий-тадқиқ этилиши зарурияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларни билдириш мақсадида, тўхталишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Бухоро вилояти – Ўзбекистон Республикасининг 12 вилоятларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон вилоятлари ичида чегарасининг катталиги бўйича иккинчи ўринда туради. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Бухоро вилояти ҳудуди асосан Қизилқум чўлида жойлашган. Майдони 39,4 минг км². Аҳолиси 2.089.000 киши (2025 йил 1 июль). Бухоро вилояти таркибида 11 та туман (Бухоро, Вобкент, Жондор, Когон, Олот, Пешкў, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор, Қорақўл, Гиждувон), 11 та шаҳар (Бухоро, Когон, Галаосиё, Вобкент, Газли, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қорақўл, Қоровулбозор, Гиждувон), 3 та шаҳарча (Жондор, Зафаробод, Янгибозор), 121 та қишлоқ бор. Бухоро вилояти аҳолисининг этник таркибини асосан ўзбеклар ва руслар, форслар (эронийлар), туркманлар, тожиклар, украинлар, корейслар, татарлар ва бошқалар ташкил этади. Вилоят маркази – Бухоро шаҳри ҳисобланади [1].

Ўзбекистонда аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатлар тубдан ўзгариб, ҳудудлардан самарали фойдаланиш юзасидан янгича талаблар ва механизмалар белгиланаётган муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда, қайд этишимиз зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сон



Фармони [2] муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва дастур бўлди десак ўринли бўлади. Мазкур Фармони билан, аҳолининг уй-жой шароитини яхшилашга, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилишига, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштиришга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш каби улкан вазифаларни кетма-кетликда фаол бажариш асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгиланлиги мамлакатимизда жуда кенг муҳим ислоҳотларни қамраб олинисига дастуруамал бўлди.

Бу бора, Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 31 май куни Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Бухорони 2045 йилгача ривожлантириш концепцияси билан танишди. Бухорони 2045 йилгача ривожлантириш концепцияси, «Янги Ўзбекистон» массиви ва боғи лойиҳалари билан танишди. Асосий мақсад Бухоро шаҳар ҳудудини 3831 гектарга кенгайтириш, шаҳарда “Янги Ўзбекистон” массиви ва “жуда баланд бўлмаган стела”ли истироҳат боғи, тарихий обидалар макетлари, рақамли панорама ва бошқа объектлар қурилиши режа қилинганидир. Концепция доирасида шаҳарнинг барча тизимларини мувофиқлаштирилган ҳолда шакллантириш, марказни микрорайонлар билан боғлаш, функционал ҳудудларда хизмат кўрсатиш объектларини қулай жойлаштириш, пиёдалар ва велосипед йўлакларини, шунингдек, транспорт йўналишларини қулай тарзда шакллантириш, мавжуд ҳудудларни янги шакллантирилаётган ҳудудлар билан боғлашда аҳоли учун кам ҳаражатли йўлларни топиш, шу иккала ҳудудларни бир хил ривожлантириш, орасидаги тавофутни қисқартириш каби жиҳатларга эътибор қаратилган. Қайд этишимиз лозимки, Бухоро вилоятининг айрим ҳудудларида “Янги Ўзбекистон” массивларини қўрилиши, аҳоли пунктларининг ерларидан самарали ва унумли фойдаланганини имкониятини сезиларли ортишига хизмат қилади десак, асло муболаға бўлмайди. Фикримизнинг амалий исботи сифатида айрим туман ва шаҳарларда олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтамиз [3].

Хусусан, Бухоро шаҳрида 44 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” массиви қурилди, бу ерда 7 мингдан ортиқ хонадонли 111 та кўп қаватли уй қурилиши, бундан ташқари, 30 гектар майдонда «Янги Ўзбекистон» боғи барпо этилди.

Гиждувон тумани “Барака” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивда 129 та беш қаватли, жами 2 минг 580 та хонадонга мўлжалланган замонавий, энергия тежамкор уй-жой барпо этилаётган бўлса, ижтимоий соҳа объектлари бўйича умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача таълим ташкилоти ҳамда соғлиқни сақлаш муассасасини барпо этишга киришилмоқда. Бу турар жойларнинг ҳар бири ҳадемай 20 та ёш оилани ўз бағрига олиши ҳисобидан ҳудудда обод ва кўркем шаҳарча вужудга келади.

Қорақўл тумани “Дўрмон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивида 12 та, жами 240 та хонадонга эга кўп қаватли турар жой мажмуаси қурилди. Ҳудудда келгуси 4 йил давомида барпо этиладиган кўп қаватли уйлар сони 70 тага, аҳоли хонадони эса 1 минг 400 тага етказилиши назарда тутилди [4].



Фикримизча, Бухоро вилояти кўҳна ва боқий худудларимиздан бири ҳисобланиб, тарихий-маданий ёргорликларимиз ва обидаларимиз жойлашган улкан макон бўлиб, бутун дунёда ўз номи ва мавқеига эга ҳамда туристлар оқимини қабул қилаётган макон ҳисобланди. Бугунги кунда албатта вилоятга юқори даражадаги эътибор аввал бўлмаган ва ҳозирги кундаги аҳолининг ўзларига тегишли бўлган кўчмас мулкига доир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини самарли ва қонуний фойдаланиш имкониятларининг натижаси деб баҳоласак бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Аҳоли пунктларининг ерлари таркибига Ўзбекистон Республикасининг 59-модда[5]сида белгиланганидек, шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибига қуйидагилар киради: шаҳар ва посёлка қурилиши ерлари; умумий фойдаланишдаги ерлар; қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар; дарахтзорлар эгаллаган ерлар; саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар; муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг ерлари; сув фонди ерлари; захира ерларни таркибини ўзида жамлаб қилади. Ер фондининг барча тоифасидан самарали фойдаланишни миллий қонунчилик асосида Бухоро вилояти худудида тўлиқ қўллаб-қувватланади ҳамда ушбу қонуний имкониятлардан фойдаланишни бугунги давр талаби эканлиги муҳим деб ҳисоблаш мумкин.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида кенг қўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоятда ҳаёт бутунлай ўзгариб, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқлар, маҳаллалар янгича қиёфа касб этмоқда ҳамда замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият, спорт ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари, коммуникация тармоқлари қурилмоқда. Бу эса, Бухоро заминининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги тутган ўрни барча соҳалар каби аҳоли пунктларининг ерларига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар сифатида тобара ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Қайд этиш лозимки, миллий ва халқаро ер қонунчилигидаги ҳуқуқий нормаларни аниқ ва шаффоф тарзда амалда тадбиқ этиш мақсадида, ушбу улкан соҳада рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектни қўллаш мутлақо янгича шаклланиб, “Yerxususiyashtirish” автоматлаштирилган ахборот тизими, “E-auksion” электрон савдо платформаси, “E-qaror” тизими, “Kadastr.uz”, “Gis.kadastr.uz”, “Yer.geoportal.uz”, “Davreestr.uz” тизимлари, “Uzcad” дастури ҳамда “Huquqlarni e'tirof etish” каби электрон тизимлар яратилиб, мазкур тизимлар Бухоро вилояти маъмурий-худудида ҳам самарли фаолият йўлга қўйилмоқда. Шу ўринда, вилоят аҳолиси учун Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида катта эътибори ва стратегик амалий ишларини олиб бориш жараёнлари муҳим аҳамиятга лойиқдир. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2025 йил 12 август куни Бухоро вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди [6] ва унда Пешку туманида аҳолига ижарага берилган ерларда арзон иссиқхоналар



қуриб, экспортбоп экинлар етиштириш йўлга қўйилган. Бу тажрибани оммалаштириб, вилоят бўйича қўшимча 5 минг хонадонда шундай иссиқхоналар ташкил этиш вазифаси қўйилди. Таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон Республика Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4767-сон қарори [7] талаблари асосида ташкил этиш ва қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилишига хизмат қилади ҳамда ушбу амалий вазифаларни бажарилиши ер фондининг, хусусан аҳоли пунктларининг ерларига оид турли жаражадаги ҳуқуқий муносабатларнинг бошланишига ва бутун вилоят ҳудуди бўйича шаклланишига кўмак бўлади.

Профессор И.Б. Зокиров таъкидлашича, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи асоси деганда, муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқини олиниши дастлабки мулк эгасининг мулк ҳуқуқининг эгасига боғлиқ бўлган усулда назарда тутутилишини назарда тутиб, уни шартномалар ва ворислик ҳуқуқига оид қарашлар билан амалга оширилишини тарғиб қилган [8].

Профессор В.Ё.Эргашев эса, мулк ҳуқуқини ҳосила асосда вужудга келишида ҳар икки тарафнинг эрки ифодаланиши талаб этилади, мазкур усул иродавий характерга эга. Шунинг учун ҳосила асосда мулк қўлга киритиш тартиби дастлабки усулларда бўлганидек, фақатгина қонун томонидан эмас, балки томонларнинг ўзаро келишуви ёки улардан бирининг хоҳиши орқали ҳам белгиланади [9] деб ўзнинг ижобий муносабатини билдирган.

Фикрларнинг мантиқий давоми сифатида, республикамиз ҳудудида, шу тариқада Бухоро вилоятида ҳам аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги муаммолар эмас, балки узоқ йиллардан буён йилдан-йилга ўтиб келаётган муаммолардан бири бўлиб ҳисобланишини инобатга олган ҳолда хусусан, Бухоро вилояти аҳолиси ва уларнинг қонуний манфаатлари учун бир қатор енгилликлар, имтиёзлар бериш амалиёти шаклланди ва амалда айнан ҳуқуқий муносабатларда қўлланилиши катта аҳамият касб этади.

Демак, ушбу масалаларни ҳал этилганлиги ҳам Бухоро вилояти аҳолиси манфаатлари, хусусий мулкларига оид ҳуқуқий муносабатларни жой-жойига қўйилганлиги ҳамда келажак учун бажарилган улкан меҳнатларнинг натижаси ҳисобланади.

НАТИЖАЛАР

Демак, қайд этиш зарурки, Бухоро вилояти ҳудудида аҳоли пунктларининг ерлари доир, улкан ҳуқуқий ислохотлар натижадорлигини қуйидагилар орқали санаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, мулк ҳуқуқининг барқарорлиги ва ҳимоя қилиш кафолатига эришилди. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида барқарорликни таъминланиши ва ҳуқуқий низоларни камайтириш асосий мақсад қилинганлиги бежиз эмас албатта.



Иккинчидан, иқтисодий ривожланиш ва урбанизацияни жараёнларини ўсди, яъни ерни хусусийлаштириш иқтисодий ўзгаришларни қўллаб-қувватди, янги иш ўринлари яратиш, молиявий инклюзивлик ва барқарор шаҳарлаштиришга сезидарли даражада ҳисса қўшди. Бу фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида ерни тадбиркорлик ва уй-жой қурилиши учун самарали фойдаланиш имконини тақдим этди.

Учинчидан, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларида муомалаларни осонлаштирилди. Ер учаткаларини сотиб олиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ёки юридик шахслар устав капиталига киритиш каби фуқаролик муомалалари қонунан қўллаб-қувватланди. Бу кўчмас мулк мулкдорларига молиявий операцияларни амалга оширишлар ва ерни самарали бошқариш имконини берди.

Тўртинчидан, аҳоли пунктларининг ерларига доир ҳуқуқий муносабатларида шаффофлик ва адолатлилик принциплари асосий талаб даражасига кўтарилди. Хусусийлаштириш фақат “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали амалга оширилиши қатъий белгиланди, бу нархларнинг бозор қиймати асосланишини таъминлади ва турли коррупция хавфини камайтирди. Натижада, қонунийлик, ихтиёрийлик ва очиқлик принциплари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидаги мулкдорлар ва ваколатли давлат органлари ходимлари ўртасидаги муносабатларида ишончни оширди.

Бешинчидан, аҳоли пунктларининг ерларини мулкдорлардан мажбурий тортиб олишдан ҳимоя кафолатини сўзсиз таъминлади. Ер участкалари фақат суд қарори, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш ёки фавқулодда ҳолатларда тортиб олиниши мумкин, бу ҳолда тўлов ва компенсация берилиши давлат ўз зиммасига олди. Бу ҳар бир фуқаролар ёки мулкдорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳуқуқий муносабатларнинг адолатлилигини таъминланди.

Олтинчидан, аҳоли пунктларининг ерларига доир ҳуқуқий муносабатларини шаклланишида давлат назорати ва муҳим ҳуқуқий кафолати сифатида “Uzcad” дастури ҳамда “Huquqlarni e'tirof etish” tizimi кабилар яратилди ва амалиётда давлат хизматлари сонини ва сифат даражаси юзасидан ижобий тажрибага эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 188-моддасида: “Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади” [10] номли ҳуқуқий норма белгиланган бўлса-да, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, битим ва шартномалар объекти ва айрим ер фонди тоифалари, ашвий ҳуқуқлар масалалари тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон Фармони [11] ҳамда 2022 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-405-сон Қарори [12] асосида ҳар бир ҳудудларимизда



ўтказилаётган хатловлар натижаси 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизимида “Uzkad” давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киришини эътиборга олиб, электрон базасида ўз аксини топиши қайд этилди.

Аниқ мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 августдаги “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ЎРҚ-937-сон Қонуни [13] асосида ҳар бир ҳудудларимизда ўтказилаётган хатловларни келтирсак бўлади. Статистик маълумотлар натижаси ўлароқ, Бухоро вилоятида амалга оширилган ишлар 2025 йил 1 август ҳолатига тўхталишни ўта муҳим деб ҳисоблаймиз.

Демак, Бухоро вилояти жами ер майдони 4.183.054 гектарни, шундан 7.743 гектари аҳоли пунктларининг ерлари ҳисобланади ва ушбу ҳудуд Бухоро вилояти умумий ер майдонинг 0,2%ни ташкил этади. Жами кўчмас мулк объектлари сони – 551.117 тани, шундан, яқка тартибдаги ўй-жойлар сони – 414.001 та (75,1%), кўп қаватли уйлардаги квартиралар сони – 81.692 та 14,8%, нотураб жойлар сони – 55.424 та (10,1%) дан иборат. Барча ер фондининг тоифалари кўрсаткичини 95 %и UZCAD дастурида электрон харитаси яратилди. Давлат рўйхатидан ўтказилиш даражаси 94 % кўрсаткични ташкил этди [14].

Республикамизни ҳар бир ҳудуди каби Бухоро вилояти ҳудудида ҳам аҳоли пунктларининг ерлари аҳоли сонига мутаносиб равишда йилдан-йилга ортди ва қайд этилган кўрсаткичлар пайдо бўлди. Бу эса, ҳуқуқ субъектлари ва мулкдорлар ўртасидаги вужудга келаётган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни жадал ривожланишига олиб келди ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши юзасидан Бухоро вилояти ўз тажрибасига эга бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5623-сон Фармони [15] ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони [16] талаблари кўра ва айнан 60-мақсадида “Урбанизация даражасини 51 фоиздан 60 фоизга етказиш чораларини кўриш, 300 мингдан кўп бўлган шаҳар ва туманлар сонини 28 тага етказиш, барча аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш” каби улкан вазифалар йўлида давом эттирилишини назарда тутди.

Хуллас, Янги таҳрирда қабул қилиниши назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси лойиҳасида албатта ер фонди тоифалари аниқ фуқаролик-ҳуқуқий тартибидаги ҳуқуқий нормалар, шунингдек, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий терминлар ўз аксини топиши зарур деб ҳисоблаймиз.

НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ



Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳоли пунктларининг ерларига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини Бухоро вилоятида қўллаш юзасидан қуйидаги таклиф-тавсияларни санаб ўтиш мумкин. Жумладан,

Биринчидан, мамлакатимизда барча соҳалар ва давлат органлари фаолиятида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш амалиёти қўлланилаётган бўлса-да, миллий қонунчилигимизда масалан, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларида сунъий интеллектни қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси мазмунида рақамлаштириш ҳақида ҳуқуқий нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, мамлакатимизда ҳуқуқий муносабатлар ва уларга таркибига кирувчи объектлардан фойдаланиш жараёнида сунъий интеллектни қўллаш амалга оширилмоқда, бироқ, аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларида сунъий интеллектни қўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Мас. 81-101-моддаларида) мазмунида рақамлаштириш ҳақида ҳуқуқий нормаларни киритишга эҳтиёж юқоридир;

Учинчидан, аҳоли пунктларининг ерлари ва унинг таркибидаги ерларга оид ислохотлар ваколатли давлат органлари томонидан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар сифатида 95 % кўрсаткич билан амалга оширилганлиги жуда катта натижадир, бироқ, Бухоро вилоятида аҳоли пунктларининг ерларига доир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мамлакатимизда ҳам ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўлланилаётган мукаммал тизимлардан халқимиз, хусусан, вилоят аҳолиси, ҳуқуқ субъектлари ва ҳар бир мулкдорлар томонидан ишончли ҳамда шаффоф тарзда илғор фойдаланиш имкониятини тақдим этишини давом этади деб ҳисоблаймиз.

References:

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Buxoro_viloyati (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.12.2021 й., 06/21/32/1146-сон. <https://lex.uz/ru/docs/5767440>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
3. <https://president.uz/uz/lists/view/7277>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
4. <https://uza.uz/uz/posts/prezident-tanqididan-song-buxoroda-yangi-ozbekiston-massivlari-qurilishi-zhadal-davom-etmoqda-471299>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. – № 5-6. – 82-м. <https://lex.uz/docs/152653>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
6. <https://president.uz/uz/lists/view/8379>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.07.2020 й., 07/20/4767/1009-сон. <https://lex.uz/docs/4877625>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
8. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. Масъул муҳаррир Ҳ.Раҳмонқулов. Қайта ишланган ва тўлдирилган биринчи нашр. – Т. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. ТДЮИ нашриёти. 2009. – Б. 376.



9. Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. – Тошкент. ТДЮИ. 2009. – Б. 98.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. - № 2. <https://lex.uz/docs/111189>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.09.2020 й., 06/20/6061/1262-сон. <https://lex.uz/docs/4985026>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
12. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.10.2022 й., 07/22/405/0947-сон. <https://lex.uz/docs/6246717>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
13. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.08.2024 й., 03/24/937/0585-сон. <https://lex.uz/docs/7049383>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
14. <https://kadastr.uz/uz/infografikalar/news-03-08-08-2025>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.01.2019 й., 06/19/5623/2461-сон. <https://lex.uz/docs/4154818>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).
16. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон. <https://lex.uz/docs/6600413>. (Мурожаат вақти: 10.10.2025 й.).